

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ  
МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИ КРЕДИТЛАШ ТИЗИМИ  
ОРҚАЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Нуритдинов Жавлонбек Исакалиевич**

*Тошкент Кимё ҳалқаро универститети магистранти*

*E-mail: nuritdinovzavlonbek@gmail.com*

**Аннотация:** мақола кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини таъминлашни кредитлаш тизими орқали қўллаб-қувватлашнинг мақсади, зарурлиги ва ахамияти, замонавий ҳолати ва мавжуд бўлган муаммолари ва уларни ечимларига бағишланган. Кичик бизнес субъектларининг молиявий ресурсларини самарали бошқаришни таъминлаш ва молиявий- иқтисодий барқарорлигини ошириш учун илмий, назарий ва амалий асослар келтирилган. Кичик бизнес субъектларининг молиявий ресурсларини таъминлашни кредитлаш тизими орқали қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, кредит, молиявий таъминот, молиявий ресурслар, молиявий барқарорлик, кичик бизнес субъекти, кредит тизими, тижорат банклар, венчур капитали, банк иши, инвестициялар, молиявий таҳлил, суғурта, солиқлар, инвестиция муҳити, имтиёзлар, иқтисодиёт барқарорлик, факторинг, лизинг, кредит.

**IMPROVING SUPPORT FOR THE PROVISION OF FINANCIAL RESOURCES OF  
SMALL BUSINESSES AND PRIVATE BUSINESSES THROUGH THE LENDING SYSTEM**

**Nuritdinov Javlonbek Isakalievich**

*Master of the Tashkent International University named after Kimyo*

**Abstract:** article is devoted to the purpose, necessity and morality, modern state and existing problems and their solutions to support the provision of financial resources of small businesses and private businesses through the lending system. Scientific, theoretical and practical foundations are provided to ensure the effective management of financial resources of small business entities and to increase their financial and economic stability. Proposals have been made to improve support for the provision of financial resources of small businesses through the lending system.

**Keywords:** small business, credit, financial security, financial resources, financial stability, small business entity, credit system, commercial banks, venture capital, banking, investments, financial analysis, insurance, taxes, investment environment, benefits, economy stability, factoring, leasing, credit.

Иқтисодийнинг эркинлашуви ва жадал суръатлар билан ривожланиши шароитларида кичик бизнес сектори маҳсулотлари ва хизматлари ҳажми ортиб бормоқда. Мазкур секторни ривожланиши эса, ўз навбатида, мамлакатда яратилган қулай ишбилармонлик муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотларидаги улуши ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини қўллашда эътиборга олиш лозимки, кичик бизнес мамлакатдаги иқтисодий ўсишда ва инновациялар жорий этилишида муносиб ўрин эгаллаб бормоқда, аҳоли бандлиги имкониятларини кенгайтirmoқда, Ўзбекистон бренди билан экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариб, дунё ҳам жамиятида муносиб ўрин эгалламоқда, булар билан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси президентининг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармонида: “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотларидаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш” вазифаси белгиланган. Унга кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини таъминлаш мақсадида илғор хорижий тажриба асосида факторинг амалиётини ривожлантириш ва 2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкласини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтирилиши белгилаб ўтилган[1].

Кичик бизнес учун асосий муаммолардан бири ўзининг ихтиёрида молиявий маблағлар етишмаслиги ҳисобланади. Ушбу муаммони ечишда давлат субсидиялари ва кредитлаш қўлланиши мумкин. Давлат субсидиялари аҳамиятини инкор этмаган ҳолда таъкидлаш лозимки, бу жараёнда асосий ролни кредитлаш ўйнайди, чунки у иқтисодий самарадорлик ва иқтисодий масъулият мезонларига изчил риоя қилинишини таъминлайди.


Янги иш бошлаётган кичик бизнес субъектларини давлат томонидан субсидиялашда асосий эътибор улар фаолиятининг ижтимоий самарасига қаратилади. Шу билан бирга уларни кредитлашда ҳам ижтимоий натижалар албатта эътиборга олиниши лозим, чунки ижтимоий натижалар муқаррар равишда иқтисодий натижаларни ҳам келтириб чиқаради. Кредитлаш тадбиркорлик субъектларининг молиявий-иқтисодий имкониятларини кенгайтirmoқди. Уларнинг молиявий ривожланиши бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошишига сабабчи бўлади. Яна бир жиҳат - кичик бизнес кредитлашда бозорнинг ҳар бир сегменти учун алоҳида кредит хизматини кўрсатиш имкониятлари кенгайди[2].

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига инвестиция мақсадлари ва бошланғич капитални шакллантириш учун

кредитлар ажратишни кенгайтириш ҳамда микрокредитлаш ҳажмини ошириш орқали аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсатнинг юритилиши ижобий натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Президент қарори билан Ўзбекистонда Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури амалга оширилади. Ҳужжатда тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш тартиблари акс этган.

**I. «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурининг ташкилий-институционал тузилмаси**



1- Расм. Кичик бизнесни қўллаб қўвватлаш комплекс дастурининг ташкилий- институтционал тузилмаси

Қарорга биноан, 2024-йил 1-январдан бошлаб оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар 3 йилгача муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан йиллик Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада ажратилади. Кичик бизнес учун 1,5 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар берилди. Хусусан, 100 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар 24 ойгача имтиёзли давр билан 84 ойгача ажратилади. 150 миллион сўмгача гаров талаби пасайтирилган револьвер кредитлар очик кредит линияси асосида ҳар 12 ойда сўндириш шарти билан 36 ойгача берилди[3].

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқларида фаолият кўрсатаётган ва маҳсулотларини экспорт қилаётган кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан берилётган микрокредитларнинг имтиёзли фоиз ставкаси билан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўртасидаги фарқни давлат бюджети томонидан субсидиялашни жорий қилиниши кредитлаш жараёнига ижобий таъсир этди. Бунинг натижасида,

биринчидан, тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш билан боғлиқ бўлган кредит хатарининг даражаси камайди; иккинчидан, кичик бизнес субъектларининг берилган микрокредитларни қайтариш имконияти ошди, чунки, фоиз ставкаси микрокредитнинг баҳоси ҳисобланади. Фоиз ставкасининг пастлиги кичик бизнес субъектларининг кредитлар бўйича фоиз тўловлари юкини енгиллаштириш имконини берди. Шунингдек кредитнинг қиймати ва унга ҳисобланган фоизларни жадвалга мувофиқ қайтариш имконини беради, бу жуда ҳам зарур. Бундан ташқари, кредит риси даражасининг пасайиши эса, тижорат банкнинг кредит зарарларини қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг камайишига олиб келди. Банкнинг хусусий капитали миқдори ортади. Таксимланмаган фойдани кўпайиши хўжалик юритувчи субъектнинг низом жамғармасини ошириш имконини юзага келтиради.

Фикримизча, мамлакатимиздаз кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги долзарб муаммолар мавжуд:

– банк учун иқтисодий самара мезони кўпчилик ҳолларда банклар ва молия институтлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кредит портфелини кенгайтиришга интилишларини сусайтиради, чунки улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қарз беришга жалб қилувчи ва даромадли хўжалик юритувчи субъект деб ҳисобламайдилар;

– банклар ва молиявий институтлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини хатар даражаси юқори қарздорлар сифатида қарайдилар;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўз капитали ҳажмлари кам, активлари етишмайди ва банкларнинг гаров талабларига жавоб бера олмайдилар;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари давлатдан ташқари холис молиявий назоратни талаб қилади, бундай назоратни ўз зиммасига олишни банклар ўзларига ортиқча юк деб ҳисоблайдилар. Кредитлаш жараёни эса муҳим равишда холис ташқи молиявий назорат (аудиторлик) хулосаларига таянади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёнида молия бозорида икки хил муаммоларга дуч келинади:

Кичик бизнес субъектлар учун кредитлаш жараёнидаги асосий муаммолар:

1. Юқори фоиз ставкаси;
2. Қарз маблағи кўпинча айланма йўллар билан келиб тушиши ва бу транзакция харажатлари ошишига олиб келиши;
3. Кредит олиш таомиллари узоқ ва мураккаб жараён эканлиги;
4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик да кредит ресурслари бозори бўйича етарли маълумотларнинг йўқлиги;
5. Кредит олиш жараёнида ҳужжатларнинг кўплиги;

6. Бизнес-маслаҳат хизматлари етишмаслиги ва баъзан сифатли эмаслиги.

Кредиторлар учун қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларлари молиявий-иқтисодий фаолияти етарли даражада шаффоф эмаслиги;

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлари бўйича олинган даромадлари етарли эмаслиги, баъзи ҳолларда норасмий иқтисодиётга ўтказилиши хавфи;

3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз капитали ҳажми етарли даражада катта эмаслиги (устав капитали етишмаслиги);

4. Кредитларни назорат қилиш харажатлари юқорилиги.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ва молиялашни такомиллаштириш ва молиявий хизматлар бозорини ривожлантиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир[4]:

- кредитлаш ва молиялаш бўйича хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини жорий этиш;

- гуруҳ кафиллиги асосида микромолиялаш амалиётини изчил ривожлантириш, кичик бизнес инновация лойиҳаларини венчурли молиялаштиришни йўлга қўйиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш бўйича махсус дастурларни (аҳоли зич жойлашган ва юқори даражадаги ишсизлик мавжуд бўлган ҳудудларга ва қишлоқ жойларда фермер хўжаликларини ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар) амалиётга фаол жорий қилиш;

- кредитлаш амалиётида туманлар даражасида кичик бизнес кафолат фондларини ташкил этиш;

- молия оқимларининг асосий таъминотчиси, драйвери бўлмиш молия бозори миллий иқтисодиётнинг шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бир маромда фаолият юритишни турли туман ҳатарларни минималлаштиришда унинг ўрни ўзгача бўлгани боис уни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим;

- вилоятларда кичик бизнес учун кредитлаш ва молиявий хизматлар бозорининг шаффофлигини ва инвестицион жозибадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ва молиялаш бўйича халқаро ва миллий конференциялар ўтказиш, илғор миллий ва халқаро тажрибаларни намоён қилувчи тренинглар ташкил этиш йўналишларидаги фаолиятини таъминлаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ва молиявий хизматларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда бундай хизматлар

кўрсатувчи ташилотлар сонини ошириб бориш, асосий эътиборни, уларнинг республика ҳудудлари бўйича мутаносиб жойлашувига қаратиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

[1] Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони. 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. <https://lex.uz/docs/5841063>

[2] Сирожидинов И.К., Кадирова Х.Т., Рахмонов Д.А. “Молиявий менежмент”. Тошкент: “Iqtisod-Moliya”, 2020. 120-6.

[3] daryo.uz | sizning muammoingiz yechimi

[4] Mirzaxalikov B.B. Kichik biznes sub'yektlari moliyaviy-iqtisodiy barqarorligini ta'minlash omillari va yo'nalishlari. //Машинасозлик Илмий-техника журнали. - Андижон, 2021. - № 1.- Б.119-128.